

ОБОД ЮРТНИНГ ЭЛИ ХУРРАМДИР



ДАВЛАТ РАХБАРИ “ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН” ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛИДА МАЪРУЗА ҚИЛДИ

KAZINFORM. Президент ўз нутқида фестивалнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

– Бир йил муқаддам барчамиз “Тоза Қозоғистон” лойиҳасини бошлаган эдик. Ушбу умуммиллий тадбирнинг биринчи куниданоқ фаол иштирок этиб келаётган барча қозоғистонликларга самимий миннатдорчилик билдираман. Иштирокчилар орасида серғайрат ва иқтидорли ёшлар борлигини кўриш қувонарлидир. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида жамият фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдасиз. Бу барча учун ибрат. Давлат раҳбари сифатида мен сизни доим қўллаб-қувватлайман! – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари тарғиботнинг аҳамиятига тўхталар экан, руҳ, тана ва атроф-муҳит тозаллигини сақлаш инсоннинг ички маданиятини ифодаловчи кўзгу эканини таъкидлади.

– Тозалик ҳар бир инсондан, ҳар бир хонадондан, ҳар бир кўчадан ва ҳар бир шаҳардан бошланиши керак. “Тоза Қозоғистон” тадбири бир марталик бўлмаслиги керак, у барчамизнинг ҳаёт тарзимизга айланиши даркор. Табиати муҳофаза қилиш гоёси ёшларни бирлаштиради. Сизнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларингиз туфайли ушбу фойдали ташаббус кенг қўламли ҳаракатга айланди. Ягона мақсад йўлида бирлашиш дегани мана шу, – деди Президент.

Қ. Тўқаев ўз маърузасида кўнгиллилар фаолиятига юксак баҳо берди. Унинг сўзларига кўра, кўнгиллилар ўз мамлакатининг ҳақиқий ватанпарварларидир. Давлат раҳбари, шунингдек, sanoat корхоналари, тадбиркорлар экологик вазиятни яхшилашга ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Тадбир “Тоза Қозоғистон” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Хусусан, миллионлаб тонна чиқинди чиқарилиб, кўчатлар экилди. “Умум-қозоғистон дарахт экиш кунини” тадбири ажойиб анъанага айланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

АБАЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 180 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА



KAZINFORM. Ўзбекистонда буюк қозоқ мутафаккири, шоир, педагог, ёзма қозоқ адабиёти, қозоқ адабий тили асосчиси, файласуф, бастакор, таржимон, сиёсий арбоб, маърифатпарвар олим Абай Қўнанбаев таваллудининг 180 йиллигига бағишлаб турли маданий-адабий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу эзгу ташаббус Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва маънавий ҳамкорликнинг яна бир ифодаси сифатида юксак баҳоланмоқда.



Ана шундай маърифий тадбирлардан бири Навоий вилояти, Учқудуқ тумани, Мингбулоқ овулидаги 11-сонли мактабда ташкил этилди.

– Абай нафақат қозоқ халқининг, балки бутун туркий оламнинг маънавий йўлбошчиси. Ўзбекистон жамоатчилиги ҳам уни чуқур ҳурмат қилади. Абайнинг инсонийликка чорловчи ҳикматли сўзлари, ўғитлари бугунги кун билан ҳамоҳанглиги учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган, – деди Навоий вилоят қозоқ маданият маркази раҳбари Серижан Жанахметов.

– Бу ташаббус Абай сингари атоқли адибнинг ижодий меросини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, унинг бебаҳо асарлари, ибратли сўзлари эл-юртимиз маънавий ҳаёти ва дунё адабиётида тугган алоҳида ўрни борлигини тушунтиришга қаратилган. Ҳа, Абай қозоқ маънавиятининг олтин устунидир. Унинг ҳар бир сўзи – ҳаётий сабоқ. Болалар шоир меросини ёд олиш билан чекланиб қолмасдан, уни юракдан ҳис қилиши муҳим”, – дейди Мингбулоқ овулидаги 11-мактаб директори Ерлан Қўнарбаев.

Маданий-маърифий тадбир доирасида ёш истеъодлар иштирокида “Бола овози”, деб номланган кўшиқлар танлови ҳам ўтказилиб, унда Абай шеърларига басталанган кўшиқлар янгради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мактабларида Абай асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, ўқув дастурига киритилган. Бу навқирон авлод икки халқнинг умумий маънавий хазиналарини теран англашига замин яратди.

ҚОЗОҒИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ЕТАКЧИСИ, ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУҲАМЕДОВ БИЛАН НОРАСМИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Давлат раҳбари олий мартабали меҳмонни ташрифи билан қутлар экан, унга Қозоғистоннинг маънавий пойтахти, барча туркий халқлар учун муқаддас аҳамиятга эга бўлган Туркистон шаҳрига ташриф буюргани учун миннатдорчилик билдирди. Мазкур тарихий ташриф Қозоғистон ташқи сиёсатида яхши кўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганининг ёрқин далили, давлатимиз раҳбарининг кўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишининг ифодаси сифатида эътироф этилди.

– Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётгани қувонарли жараён. Режаларда газ саноати, шунингдек, транспорт-логистика соҳасида стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар ўрин олган. Бу иш доимий назоратимизда, чунки мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада сифатли ривожлантириш унинг натижаларига боглиқ. Қозоғистон ва Туркменистонни бир-бирига боглаб турадиган тарих, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда, – деди ҚР Президенти.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Гурбангули Бердимухамедовни Халқаро тинчлик ва ишонч йилнинг бошланиши билан табриклаб, БМТ томонидан қўллаб-қувватланган ушбу ташаббус Туркменистоннинг халқаро микёсдаги юксак обрў-эътиборидан далолат беришини таъкидлади.

Халқ Маслаҳати раиси меҳмондўстлик учун миннатдорчилик



билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

– Туркменистон ва Қозоғистон тинчликсевар давлатлар, яхши кўшнilar сифатида танилган. Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун яхши имкониятдир. Туркменистон Қозоғистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр, – де-

ди Гурбангули Бердимухамедов. – Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларимиз ёрқин истиқболга эга. Туркменистоннинг БМТ доирасида Халқаро тинчлик ва ишонч йили деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлаганингиз учун сиздан миннатдоримиз.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича кўп қиррали стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашувда тараққиётнинг са-

лоҳиятли нуқталарини топиш ва яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқотда Қозоғистон билан Туркменистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон ва Туркменистон иқтисодиётида ҳали тўла ишга тушмаган қўллаб-қувватлаш имкониятлар мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

Бизким, мулки Турон...

KAZINFORM. Боқуда “Туркий давлатларда таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик – ҳозирги воқеили ва келажакка назар” мавзуида халқаро анжуман ўтди.

Тадбир Туркий тиллар академияси томонидан Озарбайжон ижтимоий тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Анжуманда Туркий академия президенти, академик Шахин Мустафоев лойиҳанинг асосий йўналишларини тақдим этди. Шунингдек, бешта давлат – Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркия вакиллари-дан иборат тадқиқот гуруҳи аъзолари ҳам сўзга чиқди.

Анъанавий тадбир ТДТ аъзо давлатлар ўртасида турли

соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилади. Бу йилги анжуманда илм-фан ва таълим соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликка, шу жумладан, педагогика ва тиббиёт соҳаларида ҳамкорликка, туркий тиллар, адабиёт, маданият ва тарих бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда ушбу ташкилотнинг “Туркий олам – 2040” режаси ҳам муҳокама қилинди. Унда аъзо давлатлар ўртасида товарлар,



хизматлар, технологияларнинг эркин ҳаракат қилишига эришиш, сармоявий муҳитни тизимли равишда такомиллаштириш, божхона тартиб-тамойилини андазалаш, тўсиқларни камайтириш,

ягона электрон савдо майдони-барпо этиш, ахборот технологиялари ва технопарклар ҳамкорлиги дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Обуна–2025

«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ҲАР БИР ХОНАДОНГА!

ҚАДРДОН НАШР УЧУН ҚАДРИ БАЛАНД ПАЛЛА



6 ойга обуна баҳоси:
“Қазпошта” ҚҲЖ орқали – 3415,50 тенге;

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси хонадонингиз файзи ва мазмуни. Шундай бўлишини тилаган ҳолда сизларни севимли газетангизга обуна бўлишга қақирамиз. Яқин дўст ва ёронларингиз ҳам бу газетлага дўст тутинишса, нур устига нур.

Бундан буён ҳам севимли газетангиз билан бирга бўлишга истак билдирган экансиз, биз ҳам сизларнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз. Бир-бирдан қизиқарли ҳаётий ҳикоялар, кўнгилочар мав-

зулардаги адабий-бадиий асарлар, халқимиз тарихи ва маданиятига оид ҳужжатли қиссалар, урф-одатларимиз, болалар ва ёшлар тарбиясига оид мақолалар сизнинг кўнглингиздан чиқади, деган умиддамиз.

«Жанубий Қозоғистон» газетаси ҳар бир хонадонга кириб бориши керак. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашайлик. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

ТАҲРИРИЯТ.

ҚОЗОҒИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Улардан фойдаланиб, ўзаро савдо айланмасини жадал ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат бозорларига харидоригр маҳсулотлар етказиб бериш, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Норасмий учрашувда Қозоғистон Туркменистон билан газ ва транспорт инфратузилмаси соҳасида ҳамкорлиқни қучайтириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Учрашувда газ соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтириш, хусусан, Қозоғистоннинг хорижий ҳамкорлар билан Ғалкиниш қонини ўзлаштириш лойиҳасидаги иштироқига эътибор қаратилди.

Давлат раҳбари “Турғунди – Ҳирот – Қандаҳор – Спин-Булдақ” темир йўли қурилиши лойиҳасига эътибор қаратиб, ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, транспорт йўналишларини ранг-баранглаштириш, экспорт бозорларини кенгайтиришга кенг йўл очишини таъкидлади. Аини пайтда “Қозоғистон – Туркменистон – Эрон” темир йўли ва қурилаётган “Турикманбоши – Қарабўғоз

ган “Шарқ бозори”ни кўздан кечиришди. Шунингдек, миллий таомлар, ёғочга ишлов бериш, тўқувчилик, қўполчилик, заргарлик каби халқона ҳунарманд услаларнинг ижод намуналари билан ҳам танишишди.

Дастур халқ урф-одатлари ва маросимларига бағишланган театрлаштирилган томоша билан давом этди.

Шунингдек, този ит ва лочин қуш ўргатувчиларининг маҳорати намойиш этилди.

Олий мартабали меҳмонлар қадимий Қултепа шаҳарчасини ривожлантириш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишишди.

Қ. Тўқаев ва Г. Бердимухамедов 27 гектар майдонда археологик қазилмалар қянунланган тарихий обидани кўздан кечириб, у ерда олиб борилаётган тадбирлар билан танишишди.

Яқин кунларда ишга тушириладиган “Ҳунармандлар маркази” концепциясига кўра, бу ерда ҳунармандчилик устахоналари, миллий қандолатчилик марказлари, шарқ бозори ва меҳмонхоналар ўрин олади.

Шунингдек, Қозоғистон Президенти ва Туркменистон Халқ Маслаҳати раисига Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг ноёб тарихий осори-атиқалари намойиш этилди.

Қозоғистон Президенти ва Туркма-



– Қозоғистон чегараси” автомобиль йўли Шимолий-Жануб йўналишида транзит салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, учрашувда таълим ва рақамлаштириш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Қозоғистон томони Туркменистонга давлат хизматларини рақамлаштириш, шунингдек, IT мутахассисларининг малакасини оширишда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрглигини маълум қилди.

Сўнг Қозоғистон Президенти ва Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимухамедов тарихий ва маданий ёдгорликлардан бири, ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилишди.

Олий мартабали меҳмонлар атоқли мутафаккир руҳига Қуръон тиловат қилишди. Шунингдек, мақбарада олиб борилаётган тубдан таъмирлаш ва тадқиқот ишлари билан ҳам танишди.

Сўнг Қозоғистон Президенти ва Туркменистон Халқ Маслаҳати раиси “Ҳазрат-Султон” музей-қўриқхонаси ҳудудида жойлашган миллий маданий мажмуага таширф буюришди.

Қ. Тўқаев ва Г. Бердимухамедов бошоқли дон экинлари намойиш этилаёт-

нистон Халқ Маслаҳати раиси “SPK Turkistan” индустриал паркига ташриф буюришди.

Бу ерда умумий қиймати 36,5 миллиард тенге бўлган олтига сармоявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Ёмғирлатиб ва томчилатиб сугориш тизимлари, қишлоқ хўжалик тракторлари, мактаб, тиббиёт ва идора мебеллари, ички эшиклар ва саноат совутгичлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Паркни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи 70 гектар майдонда 112та иншоотни барпо этиш, шунингдек, қиймати 39,7 миллиард тенге бўлган 13та янги лойиҳани ишга туширишни ўз ичига олади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Гурбангули Бердимухамедов Қозоғистоннинг космик саноати, машинасозлик, металлургия, қурилиш саноати, енгил, озиқ-овқат ва кимё саноати кўрғазмаси билан танишди.

Олийкадр меҳмонларга енгил автомобиллар, қишлоқ хўжалиги ва маиший техника, тиббий асбоб-ускуналар, саноат аккумуляторлари, жиҳоз, тўқимачилик, кийим-кечак ва бошқа юқори сифатли маҳсулотлар намойиш этилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Мазкур тадбир доирасида сўнгги уч кун ичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қариб 4,5 миллион туп кўчат ўтказилди. Атрофимизни тартибга келтириш, кўчатлар экиш орқали биз бадастир ва соғлом муҳит яратамиз. Ҳовли ва кўчаларимиз, боғ ва майдонларимиз қандай ҳолатда бўлиши фақат ўзимизга боғлиқ. Тозалик ва тартиб ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичларидандир, – деди у.

Президент ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш авлод қалбида

ОБОД ЮРТНИНГ ЭЛИ ХУРРАМДИР

лан ёндашиб, ғамхўрлик қилаётганлар сони ортиб бораётгани сезилмоқда. Фуқароларимиз онгли равишда экологик турмуш тарзини танламоқда. Бунинг учун раҳмат! Жамиятда янги экологик маданият шаклланимоқда. Бутун халқнинг тафаккури ўзгара бошлади. Буни ёшлар чуқур англайди, – деди Президент.

порлоқ. Мен сизга чин дилдан ишонаман ва сиздан умидларим катта! Ишончим комилки, ватанпарвар, билимдон ва меҳнатсевар ёшлар туфайли Қозоғистон адолатли, тоза, хавфсиз ва обод илгор давлатга айланади. Сизга муваффақиятлар тилайман! – дея хулоса қилди Президент.

Фестивал якунида “Тоза Қо-



табиатга эҳтиёткорона муносабат, тозалик маданиятини сингдириш зарурлигини таъкидлади.

– Масалан, ахлатни саралаш, сув ва электр энергиясини тежаш муҳим, жамоат жойларига чиқинди ташлаб бўлмайди. Бу жамиятимиздаги хатти-ҳаракатлар меъёрига айланиши керак. Экологик таълимга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу “Тоза Қозоғистон” умуммиллий акциясининг асосий йўналишларидан биридир. Эндиликда, атроф-муҳитга масъулият би-

– Қозоғистондан бошқа ватанимиз йўқ. Интизом ва озодалиқни бизнинг ўрнимизга юртимизга ҳеч ким келтира омайди. Тозаликка риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Сўнгги йилларда мамлакатда тўб ўзгаришлар рўй берди. Адолатли давлат барпо этиш учун қонун ва интизомни таъминлашимиз керак. Биз, биринчи навбатда, ёш авлод учун, сизлар учун амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни давом эттирмоқдамиз. Ишончим комилки, ёшларнинг келажаги

зоғистон” акциясида фаол иштирок этиб, жамиятда тозалик маданиятини юксалтиришга алоҳида ҳисса қўшган бир гуруҳ қозоғистонлик ёшларни тақдирлаш маросими ўтди.

Сўнг Президентга “Тоза Қозоғистон” экологик фестивалига бағишланган саноат корхоналари лойиҳалари, экологик тадбирлар, мактаблардаги экологик ташаббуслар, шунингдек, болаларнинг экологик мавзудаги ижодий ишларига оид бўлимларни ўз ичига олган кўрғазма намойиш этилди.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

ЎЗГАРИШЛАР 1 МАЙДАН КУЧГА КИРАДИ

Тез тиббий ёрдам машиналари келишини узоқ кутиш ҳолатлари юзасидан тушаётган шикоятлар туфайли ва тез тиббий ёрдам хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги 4-тоифали шошилинч тиббий ёрдам қақирувларига хизмат кўрсатувчи поликлиникаларда мобил бригадалар фаолияти қондаларига ўзгартиришлар киритмоқда.



Ушбу ўзгаришлар жорий йил 1 майдан эътиборан кучга киради ва фуқароларнинг 103 тез ёрдам хизмати-га қўнғироқ қилиш ҳуқуқларини чекламайди. 4-тоифали шошилинч қақирувлар беморнинг ҳаётига таҳдид солмайдиган ва хавф туғдирмайдиган, аммо тиббий аралашувни талаб қиладиган ҳолатларга тегишли.

Ҳўш, 1 майдан нима ўзгаради:

- поликлиникалардаги мобил гуруҳлар иш вақти – соат 8:00 дан 20:00 гача фаолият юритади;
 - инсон ҳаётига хавф туғдирмайдиган 4-тоифали шошилинч тиббий ёрдам қақирувлари (масалан, юқори қон босими, ҳароратнинг кўтарилиши, енгил жароҳатлар) поликлиникаларнинг иш вақтида тезкор бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бригадаларига йўналтирилади;
 - соат 20:00дан кейин ва дам олиш кунларида барча қўнғироқлар, шу жумладан, 4-тоифа, аввалгидек, тез ёрдам бригадалари томонидан амалга оширилади.
- Статистик маълумотлар шуни кўрсата-

дики, тез ёрдам қақирувларининг 50 фоиздан ортиги шошилинчликнинг 4-тоифасига киради ва сурункали хасталикларнинг қучайиши билан боғлиқ. Эътироф этиш жоизки, бундай қақирувларга ҳаёти хавф остида турган беморларга йўналтириладиган захира-лар йўлланади.

Ўзгартиришлар иш юкламасини қулайлаштиради, кутиш вақтларини қисқартиради ва бутун тез тиббий ёрдам тизимининг самарадорлигини оширади.

Эндиликда бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сайёр бригадалари қўнғироқлар бўйича чиқиб, беморларни уйларида режалаштирилган кўриқдан ҳам ўткази-ди. Бу фуқароларнинг соғлигини ўз вақтида назорат қилиш, айниқса, сурункали хасталикларга чалинган беморларнинг аҳволи ёмонлашганида тезкор чора кўриш имконини беради.

Ҳар 25 минг кишига биттадан сайёр бирламчи тиббий-санитария ёрдами бригадаси бириктирилади.

Зарур ҳолларда бригада таркибига ихтисослашган мутахас-

сислар киритилиши мумкин, хусусан, болаларга педиатр, катталарга эса кардиолог, невролог ва бошқа шифокорлар иштирокида ёрдам кўрсатилади. Бундай ёндашув юқори сифатли, манзилли тиббий ёрдамни таъминлайди.

Тез ёрдам қақириш тартиби ўзгаришсиз қолди – 103 рақамига қўнғироқ қилиш орқали фуқаролар куннинг исталган вақтида тез тиббий ёрдамга қўнғироқ қилишлари мумкин. Тез ёрдам бригадасининг қақирув бўйича етиб келиш вақти 60 дақиқача. Айрим тоифалар учун қуйидаги тартиб кўзда тутилган: биринчи тоифадаги қўнғироқлар учун 10 дақиқа, иккинчиси учун 15 дақиқа, учинчиси учун 30 дақиқа.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Қозоғистондаги тез тиббий ёрдам хизматлари 2,1 миллиондан зиёд қақирувлар қабул қилди. Энг кўп мурожаатлар 4-даражали шошилинчлик тоифаси бўйича қайд этилган. Ҳисобот даврида муваффақиятли реанимация ёрдами кўрсаткичи 55,6

фоизгача ўсди, бу тез тиббий ёрдам сифатининг ижобий суръатини тасдиқлайди.

Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилади – тез ёрдам бригадалари шошилинч ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир фуқаро учун шай туради. Ўзгаришлар тизим самарадорлигини ошириш, кутиш вақтларини қисқартириш ва барча даражадаги тиббий хизматни яхшилашга қаратилган.

Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлиги, сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Натижада, аҳолининг “тез ёрдам”га ишончи ортмоқда.

Тез ёрдам бригадаси доим ёрдамга ошиқади. Шифокорлар, тиббиёт ходимларининг фаолияти мана шундай кунлар билан давом этаверади. Зеро, ҳар бир лаҳза бемор ҳаётини сақлаб қолишда муҳимдир.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

Вилоят маслаҳати депутатларининг аҳоли билан учрашувларида қатор долзарб масалалар кўтарилган эди.

Шу жумладан, “Оңтүстік Жарық Транзит” муассасасига тегишли муаммо билан мурожаат қилди. Уларнинг айтишича, аҳоли манзилида электр энергияси тез-тез узилиб туради ва қувват паст.

Ушбу масала вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов раислигида мажлисда муҳокама қилинди.

Унда вилоят маслаҳати депутатлари, “Оңтүстік Жарық Транзит” МЧБ ҳамда Табиий монополияларни созлаш қўмитасининг Туркистон вилояти бўйича департаменти вакиллари, соҳа мутасаддилари, туман маслаҳати раислари, ҳоким ўринбосарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Вилоят маслаҳатининг девон раҳбари Мақсат Исаев аҳоли билан учрашувларда электр энергиясига доир кўтарилган масалаларга тўхталди.

Вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари ўринбосари Рўза Сариева 2024 йил натижаларига кўра, аҳоли манзилларида электр энергияси Сайрам, Мақтаарал тумани ва Кентов шаҳарлари аҳоли манзилларида кўп ўчиб қолиш ҳолатлари ўрин олганини таъкидлади. Шунингдек, минтақада энергетика инфратузилманинг жисмонан эскириши даражаси 57 фоизни ташкил этади.

Тадбирда “Оңтүстік Жарық Транзит” МЧБ бош директори

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ – МУҲОКАМАДА



Махамбет Айдар маъруза қилиб, депутатларнинг корхона фаолиятига оид саволларига жавоб берди.

Вилоят маслаҳати депутатлари Ғабиден Қапалбаев, Талғат Қаржауов туманларда симёғочларнинг эскириб кетганини, уларнинг ўрнига темир-бетон устунлар ўрнатиб, аҳолини сифатли электр энергияси билан таъминлаш зарурлигига тўхталишди. Депутат Еркебулан Хандиллаев

“Оңтүстік Жарық Транзит” МЧБ зиммасидаги масъулиятни тўлиқ бажара олмаса, аҳолининг талабини қондиrolмаса, муассасани давлат тасарруфига ўтказишни таклиф қилди.

Шунингдек, вилоят маслаҳати депутатлари Баймахан Сулейменов, Тўрегелди Қалмуратов, Қалийма Жантўреева, Жанабай Ағабеков Саврон, Сайрам, Келес туманларидаги ушбу соҳадаги

муаммоларга тўхталишди.

Мажлисни яқунлаган Нурали Абишов аҳолини сифатли электр қуввати билан таъминлаш минтақадаги долзарб масала эканлигини таъкидлаб, биродарлик аҳоли талабини қондириши зарурлигини таъкидлади.

У мазкур масала ижобий ечимини топгунга қадар, депутатлар назоратида бўлишини маълум қилди.

Вилоят маслаҳати.

ҚИЗЛАРИМИЗ – ҒОЛИБ



Яқинда Ақтўбе шаҳрида Алия Молдағулованинг 100 йиллиги ва Ғалабанинг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Мерген ару» деб номланган мактаб ўқувчи қизлари орасида пневматик милтиқ отишдан республика биринчилиги ўтди. Мусобақаларга республикамизнинг ҳар вилоятидан бир жамоадан иштирок этди. Шимкент шаҳри шарафини эса Сайрамдаги «Яссавий» номли ўрта мактабнинг 4 нафар ўқувчиси ҳимоя қилди. 10-синф ўқувчилари Рузана Озодова, Райҳона Нурхўжаева, Дурдона Туроббоева ҳамда Рухсона Хотамовалар эришилган ютуққа ҳисса қўшишди. Мусобақа натижасига кўра, мактаб жамоаси фахрли 3-ўринни эгаллади.

– Мерган қизларнинг сафи кенгайверсин, – дейди «Яссавий» номли мактабнинг бошланғич ҳарбий таълим фани муаллими Шухрат Эргашев. – Уларнинг барчасидан мамнунман. Қизларимиз ҳам билим олишда, ҳам жисмоний беллашуларда ташаббускор. Доим мактабимизнинг нуфузини юксалтиришда фаол. Мусобақага ҳомийлиқни зиммасига олган Шимкент шаҳар УЭМБнинг раиси ўринбосари, “Тинчлик шартномаси ҳарбий кучлари” фахрийларининг «Мўрағер» республика жамоат бирлашмасининг Шимкент бўлими бўйича маслаҳатчиси Аббос Шомирзаевга эса алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

ОНГГУ ФАРОСАТ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУЛОҚОТ

Китоб – хазина, билим – бойлик.
Мақол.

Албатта, китоб инсон учун муваффақият ва саодат эшикларини очувчи калитдир. Илм излаш, китоб, газета ва журналларни мутлоа қилиш кишининг дунёқарашини кенгайтиради, ўзига хос лаззат ва тафаккур бағишлайди.

Ўзгалар олдида соҳибининг илмий-маданий ва ахлоқий савиясини юксалтириб қўяди. Зеро, кўп ўқиган, билимдон инсоннинг умуман ўқимаган ёки кам ўқийдиганлардан ҳар соҳада имконият доираси кенгрок бўлади. Масалан, иккита тилни билган одам битта тилни билган инсондан икки баравар кўпроқ имкониятга эга. Учта тилни биладиган одамнинг эса иккита тилни билувчи шахсдан имконият доираси кенгрок бўлади.

Қорабўлоқ қишлоғидаги 14-сонли кутубхонада 23 апрель – «Миллий китоб куни» доирасидаги ҳафталик мобайнида «Сехрли китоблар олами» мавзuida кеча уюштирилди. Унда 4-сонли мактаб-гимназиянинг ўқувчилари билан «Чашма» адабий уюшмаси аъзоси Равшанбек Убаев иштирок этди. Китобхонлар янги китоблар билан танишиб, мақол-маталлар айтиб, то-



пишмоқларга жавоб топиб, турли ўйинлар уюштириб, тадбирнинг қизиқарли ўтишига ҳисса қўйишди.

Бу каби мазмунли мулоқотлар китобхонлар сафининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Унсуной СОТИБОЛДИЕВА,
Қорабўлоқ қишлоқ
кутубхонасининг кутубхоначиси.

Тасвирда: тадбир иштирокчилари.



Саврон тумани, Чипон қишлоғи Суннатилла Қудратилла ўғлига!



Маориф соҳасига муносиб ҳисса қўшган фахрий устоз-мураббий, математика фани муаллими, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси жонкуяри Суннатилла Қудратулло ўғлини тавадлул айёми ила муборакбод этамиз. Умр йўлдоши Матлуба Турсунбой қизи билан бахтли-саодатли узоқ умр, сихат-саломатлик тилаймиз!

Тахририят.

»»» Ойнома

Ўзбекча – сигир, форсча – гов, русча – телец, арабча – савр

Муддати 21 апрелдан 21 майгача – 31 кун

Марказий Осиё халқларида бу ойни Найсон ҳам деб атайдилар. Яъни ўт-алафларнинг уруғини кўкартириб, “қулоғидан чўзувчи” ёмғир мавсуми маъносиде келади. Ҳижрий-шамсий тақвими бўйича 22 апрелдан буржи обий (баҳор фаслининг иккинчи оий – Савр – Бузоқ) дохил бўлади. Бу ой об-ҳавоси ҳамма вақт ҳам бирдай келавермайди. Баъзи йиллари ёғингарчилик меъёридан ошиб кетади. “Шийайи савр” деб аталувчи совуқлар келади. Момақалдирик, сел, гоҳида ҳатто жала ҳам қуяди. Шунинг учун ҳам эл орасида “Ойнинг боши, беши ва ўн бешидан кўрк”, деган гаплар юради.

Савр оийда Қуёш тиккага яна ҳам кўпроқ кўтарилади, кунлар узаяди. Ойнинг охирига келиб кун узунлиги 17 соатга етади. Табиат тагин ҳам ўзгача латофат касб этади. Боғлар, далалар, қир-адирлар қизгалдоқ ва бошқа турли чечаклар билан қопланади. Ғаллазорлардаги майсалар мавжи мовий денгизни эслатади. Булоқлар, дарёлар тўлиб-тошади, оқшомлар ёқимли қибла шамоллаш эсади.

“Савр оий – сабр оий”. Бунинг маъноси шулки, табиат бир қадар сабр қилиб тургандек, дов-дарактлар ривожии се-

ЮРТИМИЗГА САВР КИРДИ



кинлашгандек туюлади. Аммо ҳаракат давом этаверади. Меваги дарактлар гўлдан чиқади. Саврда кишилар саёхатга, тоғлар, хушҳаво жойлар қўйнига интиладилар.

Савр оийда ҳамма қушлар ин қуриб, жўжа очади, каттаю кичик ҳайвонлар болалайди. Бир неча кундан сўнг чашма ва тоғ жилғаларидаги балиқлар сувга тегиб турган ўт-ўланлар орасига уруғ ташлайди. Уларга, умуман, жонли ва жонсиз табиатга савр оийда мутлақо озор бермаслик, аксинча, барчасини асраб-авайлаш, ғамхўрлик қилиш керак.

Хайрулла ҚОСИМОВ,
“Фасллар хосияти”
рисоласидан.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Саврон тумани Бершинтўбе қишлоғидаги Ўзбекали Жанибеков номли умумтаълим мактаби директори ўринбосари Эргашбой Жўрабой ўғлининг вилоятимиздаги ўзбек тилида таълим берувчи умумтаълим мактаблари учун бошланғич синф ҳамда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш хусусидаги саволини ушбу масала билан теран шуғулланиб, келаётган нафақадор, кўп йиллар ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида фаолият юритган Туркистон шаҳар УЭМБ раиси ўринбосари, 10 нусха “Жанубий Қозоғистон” обунаси ҳомийси Хусан Убайдуллаев жавоб беради:

– Савол ўринли ва муҳим. Шимкент шаҳридаги М. Аюзов ҳамда Ж. Ташенев университетларининг тажрибали устоз-мураббийлар Ёрмуҳаммад Мадалиев (уяли телефон 8 (701 642 43 83) ва Шахло Норалиева (уяли телефон 8 (778 400 40 97) саъй-ҳаракатлари билан оқорида зикр этилган фан ўқитувчилари тайёрланади. Ўқув жараёни кундузги ва онлайн тартибда амалга оширилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти шифокор Абдуҳалил Отахўжаева синглиси, ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти ҳамда Шимкент шаҳар УЭМБ қошидаги оқоқоллар кенгаши раиси Сайдивали Отахўжаевга опаси аёллар шифокори

Уммугулшан ОТАХЎЖАЕВА-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Саврон туманидаги обунда фаол жамоа – Жалил Абдуллаев номли заковат мактаби директорининг ўринбосари Фаррух Убаевга акаси

Дониёр СУЛТОНБОЙ ўғли-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзихун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
КЗ34VPR00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-press” МЧБ босмахонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Айтматов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
+7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11400 нусха.

Бирораси
914

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.

